



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 38 (13.371)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон манфаатларининг тўлақонли ҳимояси ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон фуқаролиққа қабул қилиш борасида ҳам қонунийлик, инсонпарварлик ва ижтимоий бағрикенглик тамойилларига асосланган ҳолда инсон манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини тизимли равишда амалга ошириб боради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси демократик кадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига содиқлигини намойён этиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси гоёлари асосида ҳар бир инсоннинг фуқароликка бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиқига келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолати, ирқи, миллати, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати ҳамда сиёсий ва бошқа эътиқодидан қатъий назар, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиқи тўғрисида"ги Қонун кучга кирган вақтда турли объектив ва бошқа ҳаётий шароитларга кўра мамлакат ташқарисида бўлган маҳаллий аҳоли, шунингдек, бошқа мамлакатларда туғилиб-ўсиб, Ўзбекистонни ўз Ватани сифатида дилдан тан олган, унинг тараққий этиши ва гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшганлар қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 22-банди, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиқи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17, 30-моддаларига мувофиқ:

1. Қуйидаги шахсларнинг аризалари қаноатлантирилсин ва улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиқига қабул қилинсин:

1) **Абарова Насиба Гуламжановна**, 1965 йил 28 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

2) **Абдуллаева Данахан Хабибуллаевна**, 1972 йил 19 январда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

3) **Абдуллаева Умида Рисметовна**, 1985 йил 6 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

4) **Абдурахманова Кизилай**, 1954 йил 21 февралда Жиззах вилоятида туғилган, қирғиз, Жиззах вилоятида яшайди;

5) **Ағалиева Жанигул Хамзаевна**, 1968 йил 11 сентябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, озарбайжон, Тошкент шаҳрида яшайди;

6) **Айметов Уйғун Ташматович**, 1970 йил 6 ноябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

7) **Алвердиева Лейля Ихтияровна**, 1990 йил 30 июлда Жиззах вилоятида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди;

8) **Анаркулов Фаррух Авазханович**, 1986 йил 9 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

9) **Анаркулова Мария Максумовна**, 1960 йил 5 мартда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

10) **Аскарлова Гавхарой Азимжановна**, 1971 йил 14 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

11) **Атабаева Мастура Хамировна**, 1971 йил 22 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

12) **Ахмедов Джаҳонгир Ахмедович**, 1983 йил 28 августда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

13) **Аюшева Зинаида Александровна**, 1953 йил 14 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

14) **Бабаева Зилола Джумабаевна**, 1975 йил 15 мартда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

15) **Бадалбаева Дильбар Патхуллаевна**, 1968 йил 27 майда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Муроджон исми ўғли билан Тошкент шаҳрида яшайди;

16) **Баймуратова Кибрий Саидмуратовна**, 1968 йил 2 июнда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

17) **Бухандзе Игорь Шалвович**, 1971 йил 28 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган, грузин, Тошкент шаҳрида яшайди;

18) **Васильева Ольга Сергеевна**, 1976 йил 28 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

19) **Гафуров Бахтиёр Валиджонович**, 1973 йил 16 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Баҳодиржон исми ўғли ва Лайлохон исми қизи билан Тошкент вилоятида яшайди;

20) **Демьяненко Вероника Анатольевна**, 1984 йил 12 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, украин, Тошкент шаҳрида яшайди;

21) **Демьяненко Роза Дмитриевна**, 1958 йил 27 майда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

22) **Джаббаров Атабек Кучкармович**, 1969 йил 12 июнда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди;

23) **Ерназаров Фахритдин Тулкунович**, 1961 йил 23 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

24) **Заидова Иббат Сайдиғанниевна**, 1957 йил 19 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

25) **Ибрагимов Рашид Ушурович**, 1963 йил 1 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, уйғур, Тошкент шаҳрида яшайди;

26) **Ибрагимова Зулфия Юнусовна**, 1989 йил 18 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

27) **Ибрагимова Сайара Темирбаевна**, 1973 йил 16 ноябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

28) **Иргашев Икром Абдувахобович**, 1973 йил 1 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

29) **Ирисбекова Махбуба Тожиметовна**, 1972 йил 1 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

30) **Исманова Барна Мирғамитовна**, 1971 йил 22 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

31) **Кабиллов Шавкат Исламович**, 1964 йил 16 февралда Жиззах вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

32) **Кадилов Икрамжон Анваржанович**, 1971 йил 25 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

(Давоми 2-бетда)



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА МАТБУОТ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, марказий ва ҳудудий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари журналистлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва

Пойтахтимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг бажарилиши устидан кенг жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган анжуман ўтказилди.

ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Шодмонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият

қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳитини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Анжуманда "Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари", "Оммавий ахборот воситалари ходимларининг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини ёритишга оид билим ва қўник-

маларини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар", "Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида босма нашрларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор ва юсак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш мақсадида ўтказилган "Жамият ва мен", "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" танловларининг ғолиблари тақдирланди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН – ШВЕЦИЯ БИЗНЕС ФОРУМИ

Пойтахтимизда 22 февраль кuni Ўзбекистон – Швеция бизнес форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Business Sweden" Швеция савдо ва инвестициялар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг геология ва минерал ресурслар, иқтисодиёт, машинасозлик, энергетика каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Н.Дадахонова, "Business Sweden" кенгашининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича менежери В.Игорь ва бошқалар Ўзбекистон билан Швеция ўртасидаги ҳамкорлик имкониятлари ҳусусида сўз юритди.

Форумда Ўзбекистоннинг геология ва минерал ресурслар, транспорт инфраструктураси, савдо-саноат, энергетика соҳаларидаги муваффақиятлари, Швециянинг ахборот технологиялари, тоғ-кон, электр-энергетика, қурилиш каби соҳалардаги компаниялари фаолияти ҳақида маълумот берилди.

2001 йил 29 майда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Швеция Қироллиги ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги битим ҳамкорлиги ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

– Форумда мамлакатимизнинг ўн беш етакчи компанияси иштирок этмоқда, – деди ЎзА мухбирига Швеция Қироллигининг мамлакатимиздаги

Фавкуллода ва мухтор элчиси Ингрид Терсман. – Мазкур учрашувдан қўланган мақсад савдо-иқтисодий ҳамкорлиги ривожлантиришдан иборат. Мамлакатининг тоғ-кон саноати, темир йўллар каби соҳаларининг йирик корхона ва компанияларининг фаолияти билан яқиндан танишишни режалаштирганмиз.

– Компаниямиз инновацион компресорлар, қурилиш ва тоғ-кон соҳаларида фойдаланиладиган техника воситалари ва машиналар ишлаб чиқаради, – деди "Atlas Copco" компаниясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бош менежери Жорж Апостолопос. – Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришга имкон яратмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон билан Швеция ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлиги ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, автомобилсозлик, энергетика ва энергия тежаш, электр техникаси, озиқ-овқат саноати соҳаларидаги сармоявий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, ички ва ташқи бозорларда талабгор бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шу кuni Ўзбекистон ва Швеция ишбилармонлари ўртасида кооперация биржаси бўлиб ўтди.


Севара АЛИЖОНОВА

ликлар профилактикаси йўналишлари, айниқса, тиббиёт ашёлари ишлаб чиқариш бўйича намоийнш этилган ишланмалар кўпчилигини эътиборини тортди.

• Фарғона шаҳри ҳудудидан оқиб ўтадиган Марғилонсой каналига микро ГЭС ўрнатилиб, ишга туширилди. Фарғона политехника институти олимлари томонидан яратилган мазкур иншоот мамлакатимизда илк бор иштирок қилинган оддий сув генераторидир.

• Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Гулшан" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. "Бинокор дизайн" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган замонавий маҳалла идорасида барча шароит яратилди. Маҳалла раиси, котиб, маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар аж-

ратилиб, компьютер жамланмаса, зарур мебель жиҳозлари ва тегишли адабиётлар билан таъминланди. Муҳтамаб мажлислар зали ва Халқ қабулхонаси ҳам жой олган.



• Римда полициячилар ва иш ташлаган таксичилар ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлар натижасида икки киши жароҳатланди.

• Хитойдаги корхоналардан бирида рўй берган портлаш натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди.

• АҚШнинг Калифорния штатида бир неча кун давомида тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида Сан-Хосе шаҳрини сув босди.

• Метеорологлар Невададаги дамбанинг ўпирилиб кетиши хавфи мавжудлиги ҳақида огоҳлантирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА
ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

- 33) **Ким Лариса**, 1956 йил 7 майда Тошкент вилоятида туғилган, корейс, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 34) **Князева Олеся Олеговна**, 1989 йил 30 июлда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 35) **Кодирова Махигул Абутовна**, 1969 йил 23 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, уйғур, Фарғона вилоятида яшайди;
- 36) **Курбанова Барно Миралиевна**, 1958 йил 8 январда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 37) **Мавриди Панайот Антонович**, 1938 йил 13 мартда Украинада туғилган, грек, Фарғона вилоятида яшайди;
- 38) **Мадраимова Умида Фархадовна**, 1985 йил 19 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 39) **Мамаджанова Тахмина Джумабоевна**, 1986 йил 21 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 40) **Маманов Нодиржон Олимжонович**, 1984 йил 5 июнда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 41) **Маткаримова Бибимариям Ахметжановна**, 1974 йил 10 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 42) **Мирализова Феруза Сламкулловна**, 1973 йил 27 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 43) **Мирохмедов Мирвали**, 1948 йил 8 июлда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 44) **Миррахимова Дилафруз Абдукаримовна**, 1986 йил 5 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 45) **Мисора Варвара Владимировна**, 1986 йил 22 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 46) **Мунинов Насриддин Рахмонович**, 1963 йил 7 ноябрда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди;
- 47) **Мунинова Мафтуна Насриддиновна**, 1990 йил 8 апрелда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди;
- 48) **Мураметов Анваржон Каримович**, 1981 йил 7 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 49) **Мурзахметов Усан Жорашович**, 1988 йил 28 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 50) **Муродова Гулнор Насриддиновна**, 1967 йил 4 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди;
- 51) **Набиева Гули Джамаловна**, 1963 йил 16 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 52) **Назарханов Фарход Ахмаджонович**, 1986 йил 3 октябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 53) **Наримова Саҳобат Полатовна**, 1970 йил 5 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 54) **Насирова Саодат Кудратуллоевна**, 1973 йил 21 июнда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;



О.ҒУЛОМОВ (ЎЗА) олган сурат

Тиббиёт

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ
КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва “Тошкент шаҳар дори-дармон” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида дори воситалари ва тиббий буюмлари сайёр ярмаркаси ўтказилди.

– Ушбу қарор моҳияти, чегараланган нархлар шаклланиш механизми ҳақида даволаш-профилактика муассасалари, дори воситалари ва тиббий буюмлар улгуржи савдоси билан шуғулланувчи ташкилот ва дорихоналар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда, – дейди Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Абдулла Ибатов. – Кўргазмада фармацевтика саноати ривожланиш ҳолати ва истиқболлари, ишлаб чиқариш жараёни ва сифат назорати тизими ҳақида тасвирий материаллар ҳам ўрин олган.

Шунингдек, тадбир давомида дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар билан чегараланган нархлар бўйича маҳсулот етказиб бериш шартномалари имзоланмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг юқори сифати ва самарадорлигини таъминлашда ишлаб чиқариш жараёнининг ҳалқаро стандартларга тўла мослиги муҳим аҳамият касб этади.

Зафар НАЗАРОВ

- 55) **Нурибекова Мухтарам Артикаевна**, 1964 йил 29 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 56) **Нурмухамедова Феруза Хидиралиевна**, 1985 йил 30 июнда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;
- 57) **Парпиева Насибхон Мирзораимовна**, 1979 йил 3 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 58) **Раунов Бабир Ирисбаевич**, 1970 йил 23 октябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 59) **Рахмонов Нуъмонжон Насриддин**, 1994 йил 17 январда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди;
- 60) **Руденко Оксана Владимировна**, 1980 йил 3 февралда Россия Федерациясида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 61) **Садиков Эркин Джалолидировна**, 1987 йил 13 ноябрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди;
- 62) **Сайдакбарова Мукаддас Анарбаевна**, 1965 йил 11 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 63) **Сайдуллаев Шахзод Алиханович**, 1983 йил 24 январда Россия Федерациясида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 64) **Салимбаева Гулфара Мирхамидовна**, 1971 йил 13 декабрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 65) **Скворцова Елена Сергеевна**, 1983 йил 13 июнда Туркменистонда туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 66) **Таирова Нигора Исмаиловна**, 1992 йил 28 июнда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сирдарё вилоятида яшайди;
- 67) **Ташбаева Найма Хурсановна**, 1974 йил 20 сентябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 68) **Турдикулова Айжамал Худайназаровна**, 1961 йил 20 майда Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 69) **Турсинметова Умида Таир кизи**, 1982 йил 26 мартда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 70) **Турсинметова Шоира Таирхон кизи**, 1984 йил 23 мартда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 71) **Умаров Аҳад Махаммадалиевич**, 1962 йил 23 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 72) **Умарова Гузал Бахтияровна**, 1987 йил 12 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 73) **Уролова Умеда Акпаровна**, 1968 йил 29 майда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди;
- 74) **Усманов Алишер Турсунпулатович**, 1988 йил 27 майда Россия Федерациясида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 75) **Усманов Дилшод Хидиралиевич**, 1982 йил 29 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

- 76) **Усманов Уктам Хидиралиевич**, 1980 йил 9 мартда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;
- 77) **Усманов Фарход Хидиралиевич**, 1977 йил 20 майда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;
- 78) **Фозилов Аскаржон Рахматиллович**, 1972 йил 5 мартда Украинада туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 79) **Ҳажеев Александр Евгеньевич**, 1989 йил 2 январда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 80) **Халибаева Фатима Махмудовна**, 1973 йил 7 майда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 81) **Хамракулова Еркиной Турсунбаевна**, 1970 йил 23 апрелда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 82) **Хасанбаева Руззохон Кучкаровна**, 1967 йил 6 декабрда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 83) **Хемдемова Зулира Хамракулиевна**, 1973 йил 6 февралда Туркменистонда туғилган, туркман, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 84) **Хидралиев Али Абдинабиевич**, 1979 йил 9 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 85) **Ходжаев Искандар Январжонович**, 1989 йил 10 августда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 86) **Ходжаев Январжон Джахонгирович**, 1957 йил 17 декабрда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 87) **Ходжиева Нигора Абдусоликовна**, 1979 йил 18 мартда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 88) **Хушвактова Элеонора Абдувакяюмовна**, 1985 йил 21 июлда Украинада туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 89) **Цой Ольга Викторовна**, 1974 йил 19 апрелда Беларусь Республикасида туғилган, корейс, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 90) **Шадманов Фазлиддин Инамулдинович**, 1971 йил 16 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди;
- 91) **Шаймқулов Фуркат Шаймқулович**, 1971 йил 22 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 92) **Шерметов Махмуд Муратханович**, 1986 йил 28 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 93) **Эргашев Халилжан Атаджонович**, 1963 йил 21 майда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;
- 94) **Юлдошова Хабиба Ҳамраевна**, 1971 йил 28 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари С.И.Саматов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 22 феврал

МОБИЛЬ АЛОҚА: ТЕХНОЛОГИЯЛАР,
СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК

Пойтахтимиздаги “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Унда Ўзбекистонда мобиль тармоқларни янада ривожлантириш, мобиль операторлар таянч станциялари сонини кўпайтириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди, дея хабар беради ЎЗА.

Тадбирда Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, мобиль операторлар, таянч станциялари ва мобиль технологияларни ишлаб чиқарувчи компаниялар, пойтахтимиздаги коммунал хизмат вақиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда мобиль алоқа ва мобиль интернет сифатини яхшилаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда бешта мобиль оператори рўйхатдан ўтган бўлиб, бу эркин рақобат ва улар кўрсатаётган хизматларнинг арзон бўлишига хизмат қилмоқда. 21 миллиондан ортиқ киши мазкур операторлар мижози бўлиб, уларнинг аксарияти фаол интернет

фойдаланувчиларидир. Мобиль алоқа ва интернет сифатини яхшилаш мақсадида сўнгги икки йил ичида юртимизнинг барча вилоятларида икки мингдан зиёд таянч станцияси барпо этилди.

Мобиль алоқа операторлари мобиль тармоқларнинг тўла қамровни таъминлаш, маълумот ўтказиш ҳажми ва қувватини ошириш учун ўз таянч станцияларини нафақат нотузаржой бинолари, айни дамда шаҳардаги кўп қаватли уйларда ҳам ўрнатишига тўғри келмоқда. Аҳоли бундай усулаларнинг инсон организмига зарар келтириши мумкинлигидан хавотирланмоқда.

Давра суҳбатда тегишли мутахассислар мазкур масала юзасидан батафсил тушунтириш берди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган тадқиқот натижа-

ларига кўра, Ўзбекистонда таянч станциялари бўйича жорий қилинган сигналнинг техник ўлчамларига амал қилинганди улар инсон саломатлигига ҳеч қандай зиён етказмади. Шунингдек, дала шароитида олиб борилган тадқиқот натижалари билан ҳам таништирилди. Қузатувда таянч станцияларининг табиий муҳит учун хавфсиз эканлиги исботланди.

Тадбирда таянч станцияларини ўрнатиш бўйича тартиб-қоидалар, уларни ишлатиш меъёрлари ҳамда турар жой бинолари том қисмида таянч станцияларини таъмирлаш ва қайта таъмирлаш ҳолларида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг ҳуқуқлари муҳофама қилинди.

Роман БОНДАРЧУК

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва “Asia Pharm Consulting” корхонаси ҳамкорлигидаги Pharmclub.uz лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди.

МУТАХАССИСЛАРГА АМАЛИЙ КЎМАК

Тадбирда мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш, дори-дармон ва тиббий воситаларни экспортини амалга оширишнинг замонавий тизими яратилгани таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида бу жабҳадаги ишлар янада такомиллашмоқда.

Мазкур қарорда соҳани янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, соҳага жалб этилаётган инвестиция лойиҳаларини кўпайтириш, маҳсулотлар экспортини ошириш борасида устувор вазифалар белгиланди. Дорихоналар тармоғини такомиллаштириш, нарх-наво мутаносиблигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Бу борада белгиланган кенг қўламли вазифаларни амалга оширишда ишлаб чиқарувчилар ва мутахассисларга амалий кўмак бериш муҳим вазифадир. Pharmclub.uz лойиҳаси ана шу мақсадда ташкил этилди.

– Pharmclub.uz лойиҳасида орқали фармацевтика ва

дори-дармон соҳасида ишлайдиган мутахассисларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатишни режалаштирганмиш, – дейди ЎЗА муҳбирига “Asia Pharm Consulting” корхонаси директори ўринбосари Эркин Каримов. – Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштириш, лойиҳалаш, рўйхатдан ўтказиш, дори-дармон экспорти ва импортини ташкил этишга кўмаклашиш лойиҳанинг муҳим йўналишидир. Бу чора-тадбирларни тизимли ташкил этиш мақсадида “Дори-дармон” акциядорлик компанияси, “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концерни ва бошқа корхона, ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Чет давлатларда ўтказиладиган нуфузли фармацевтика кўргазмаларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштирокини таъминлаш, уларнинг маҳсулотларини намойиш этишга кўмаклашиш режалаштирилган.

Тадбирда Pharmclub.uz лойиҳасининг мақсад ва йўналишлари, фармацевтика саноатини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА

Қарор ва ижро

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ БАРЧАГА
ВАҚТИДА ЕТКАЗИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, бу механизм аҳолининг ҳуқуқий маданияти ривожланиши, жамиятда қонун устуворлиги таъминланишининг муҳим шартларидан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ташкил этилаётгани шу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Пойтахтимизда “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида ташкил этилган конференцияда шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари, олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, адлия вазирлиги М.Икромов ва бошқалар қабул қилинган қонун ҳужжатлари сўзсиз ва ўз вақтида бажарилишида уларни тезкорлик билан тарқатиш, мазмун-моҳиятини ижрочиларга ва аҳолига тушунтириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари имзолаган “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор шу мақсадга хизмат қилади.

Бунгача қонун ҳужжатларини тарқатиш ва тарғиб қилиш бўйича яхлит тизим шаклланмагани айрим муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Шу нуқтаи назардан қарорда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга принципал янги ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган вазифалар белгиланди.

Эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларида тегишли қонун қабул қилингандан кейин унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган аниқ давлат органлари кўрсатилади. Ҳужжат имзолангандан кейин унга масъул давлат органи ёки ташкилоти унинг ижроси, ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқлайди.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга тарқатиш амалиёти жорий этилади. Шу мақсадда қонун ҳужжатларини тарқатиш тартиби ва мuddатлари муҳтасар баён этилган қонун ҳужжатларини тарқатиш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочилар ва аҳолига тушунтириш схемаси тасдиқланди. Унга мувофиқ Адлия вазирлигида Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига ҳужжатларни ахборот-таҳлилий материаллар билан жойлаштириш мажбурияти юқланди. Чунки мазкур вазирлик давлат органлари ва ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик қилиш ва назоратни амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи сифатида белгиланди.

Қарорда Адлия вазирлиги зиммасига суд экспертизаси фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш каби вазифалар ҳам юқлатилди.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун вазирликда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларидаги ҳудудий бўлимлари, Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашининг янгиланган таркиби тасдиқланиб, кенгашининг ҳудудий комиссиялари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Конференцияда қарор ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Шарқда азал-азалдан жамоавий бўлиб яшаш анъаналари қадрлаб келинган. Жамоавийликнинг энг ёрқин кўриниши – маҳалла. Юртимизда маҳаллачилик тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Олимларнинг аниқлашича, миллоддан аввалги III асрдан то милодий V аср бошларигача Парканада (Фарғона) оқсоқоллар кенгаши муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этган. Халқимизнинг энг буюк мероси ҳисобланмиш Алишер Навоий ижодида ҳам “маҳалла” сўзи кўп учрайди.

Шоирлар ҳақидаги таъкир бўлмиш “Маҳалис ун-нафоис”да бир неча бор “маҳалла” сўзи ишлатилди. Айрим шоирларнинг туғилган, яшаган ёки дафн этилган маҳаллалари номлари келтирилади.

“Хамса”нинг бешинчи достони бўлмиш “Садди Искандарий”да:

Бўлуб, уйлаким шаҳр ҳар жунг аро,

Маҳаллоту кўю макому саро, – байти учрайдик, бу ерда ҳам “маҳаллот” сўзи айнан “маҳаллалар” маъносиде ишлатилган.

Захириддин Мухаммад Бобур эса “Бобурнома”да Андижон қалъасининг “гирдо-гирди” (чор атрофи) маҳаллалардан иборат эканини қайд этади.

Кўриб ўтилган ана шу мисолларнинг ўзи ҳам Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур яшаган теурийлар замонасида Мовароуннахр ва Хуросонда маҳаллалар бўлгани, табиийки, маҳаллачилик анъаналари ҳам шаклланиганидан далолат беради.

Тўғри, шўро даврида ҳам маҳалла тизими мавжуд эди. Аммо у моҳиятан ҳозирги тушунчамиздаги маҳалладан тубдан фарқ қиларди. Маҳалла кўмиталари амалда ҳукмрон сиёсатнинг кўли остида эди. У маъмурий-буйруқбозлик тизимининг таркибий қисми ҳисобланган, амалда расмийлаштирилган фаолият кўрсатадиган, кўпроқ фуқароларга маълумотномалар ёзиб бериш билан шугулланган идора тарзига тушганди.

Бунинг исботи учун узокқа бориб ўтириш шарт эмас. Устоз адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовнинг Ойбекнинг “Навоий” романининг 2016 йили чоп этилган мукамал нашрига ёзган сўзбошилари бор. Унда мазкур роман битилган Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳолат акс эттирилган мана бу сўзлар келтирилган: “Кечаси керосин лампаларининг нури кўринмаслиги учун деразаларга парда тутиш... Маҳалла мутасаддиларининг ой ўтмай, мудофаа фойдасига пул, қимматли буюмларни йиғиб кетишлари... Қора қозоннинг қайнаб туриши учун уйдаги бозоргир нарсаларни сотиш...” Фикримиз исботи учун шунинг ўзи етарли бўлса керак.

Биз мустақил миллий давлат қуришга киришганимизда кўп масалаларда, жумладан, маҳалла муносабатда ҳам қадимий миллий менталитетимизга суяниб иш кўрдик. Истиклол йилларида маҳалла ҳақонда ўхшаши йўқ ўзига хос жамоатчилик бошқаруви механизмига айлантирилди. Маҳалланинг шундай ёзилмаган тартиб-қоидалари борки, ҳамма уларга сўзсиз амал қилади. Бу – шарқона қадрият. Унинг замирида халқнинг донишмандлиги, аниқроғи, ҳамжиҳатликда яшаш тарзи ётибди.

Мустақил шарофати билан маҳалла тизими қонунийлашди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мана бу сўзлар қайд этилган:

“Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидеги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади”.

1993 йил 17 августда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилди. Ўша йилнинг сентябрида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

2003 йили мамлакатимизда “Обод маҳалла йили” бўлди ва махсус Давлат дастури асосида маҳалла нуфузини кўтаришга қаратилган муҳим

чора-тадбирлар амалга оширилди.

Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг янги таърирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунари, маҳаллалар ва улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятига оид 20 га яқин низоми қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга таъбиқ этилди. Тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар малакасини ошириш бўйича ўқув қўрсатмалари ташкил топди. Шунингдек, маърифий йўналишдаги “Маҳалла” телерадиоканали иш бошлади. Унинг кўрсатув ва эшиттиришлари орқали халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлган маҳалла ҳаётини янада кенгроқ ёритиш, бу борадаги тасаввурларимизни бойитиш имкони пайдо бўлди. Телеканал бугунги ўта тизим ахборот оламида ўз ўзини топиб олишга интилиб келяпти.

Кўриб турибдики, биз миллий ва умуминсоний хусусиятларни жамулам этган ўзига хос давлат қурапмиз. Бунда, табиийки, ҳам кўп асрлик тарихий меросга суянган ҳолда иш кўриляпти, ҳам замон талаблари асосида маҳалла институти тобора

ва қадриятларга амал қилиш ва уларни такомиллаштириш, кучли ижтимоий ҳимояни адолатли ва манзилли амалга ошириш, маънавий-ахлоқий тарбияни изга солиш учун энг асосий макон ҳисобланади.

Маҳалла шундай маънавий кучга эгаки, буни тасаввур қилиш учун биргина мисол келтираемиз.

Телевидение кўрсатувларидан бирида қонунга зид равишда ахлоқсизликка йўналтирилган фаолият олиб борган бир аёлнинг кирдикорлари фош этилди. Юзини кўрсатмаган ҳолда унинг ўзи билан суҳбат берилди. Ўша аёл: “Қилмишимга пушаймонман. Қандай қонуний чора кўрилса, ўзимдан кўраман. Фақат бир илтимосим бор, бу ишим ҳақида маҳаллам аҳли билмасин”, – деди.

Демак, ҳамма маҳалла аҳлининг ҳуқуқидан уялади. **Ҳаммамиз ҳаётда ҳамиша: “Маҳалла-кўй нима дейди?” – деб қадим ташлаймиз.**

Янги Фармон ана шу нозик миллий менталитетимиз имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда жамиятнинг маънавий-маърифий, гоёвий-мафкуравий жиҳатдан турли таҳдидларга берилмаслигини, яъни таҳдидбардошлигини кучайтиришга ундайди. Фармонга биноан, фуқароларнинг

МАҲАЛЛАНГ – ОТАНГ-ОНАНГ

буни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ!

такомиллашиб бораётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 3 февралда қабул қилинган “Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони аввало, мамлакатимиздаги маҳалла тизими макомини янги бир даражага кўтариши билан аҳамиятлидир.

Дўппини олиб, ўйлаб кўриладиган бўлса, халқимиз ҳаётини маҳалласиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. **“Маҳалланг – отанг-онанг”, – деган ўзбек халқ мақолида бу гоё қисқалтўнда қилиб айтиб қўйилган.**

Ким бўлиб ишлашимиз, жамиятда қандай макме-мақомга эга эканлигимиз, нималарга қодир бўлишимиздан қатъи назар, ҳаммамиз ҳар кун ишдан сўнг ўз уйимиз – ўлан тўшагимизга, яъни маҳалламизга қайтамиз. Шахс сифатида ҳар биримизнинг маҳалладан азизроқ жамоамиз йўқ. Шунинг учун ҳам маҳалладошлар ҳақида гап кетганда, кексаларимиз “ҳассакашлар” деган ажойиб, теран маъноли, ўзимизга хос ва мос ифодани ишлатишад.

Ахир, қайси биримизнинг қандай тўй-тантана ёки маърака-маросимимиз маҳалласиз ўтади?

“Ўзоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши”, – деган мақол моҳияти ҳам ҳеш-ақраболарга қарши қартилган эмас. Аксинча, бу ҳикматда одамнинг хурсандчилиги кунда ҳам, ташвишли пайтларида ҳам ён қўшни – жон қўшни бўлган маҳалладошларнинг жонга тезроқ оро кириши улуғланыпти.

Модомики, 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган экан, халқ билан мулоқотни юксак даражада йўлга қўйиш учун ҳам маҳалладан муҳимроқ тизим йўқ. Шунингдек, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш учун маҳалланинг энг қулай имкониятга эга ижтимоий институт экани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун ҳам “Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг мазмун-моҳиятига мос қонуности ҳужжати сифатида баҳолаш зарур.

Маҳалла аҳолини ижтимоий фаоллаштириш, одамларнинг бошини ўзаро қовуштириш, миллий урф-одат

ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини бошқариш бўйича республика кенгаши юридик шахс макомини берган ҳолда фуқаролар йиғинларининг уюшмаси шаклида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини жамоатчилик асосида ана шу республика кенгашига раислик қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эса тегишли ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раис бўлди.

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзиде Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг тегишли республика бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлинмаларига раислик қилади.

Республика кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари, шунингдек, Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашларда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари вазифалари жорий этилди.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини раисининг жамоатчилик асосида фаолият юритадиган ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими киритилди.

Бу ангилликлар моҳиятида маҳаллада, биринчидан, маънавий-маърифий тарбияни, иккинчидан, ёшлар тақдирига масъулликни, учинчидан, кексалар ва фахрийларга ғамхўрликни кучайтириш кўзда тутилган.

Ўшбу Фармон билан кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш борасида 37 та аниқ тадбирни амалга оширишни назарда тутган “Комплекс чора-тадбирлар дастури” ҳам тасдиқланди.

2018 йилнинг 1 декабрига қадар туман ва шаҳарлар марказларида намунавий лойиҳалар асосида “Маҳалла маркази” мажмуалари бинолари барпо этилади. Фармонда 2021 йилнинг 1 декабрига қадар фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш),

шунингдек, уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан жиҳозлаш ҳам кўзда тутилган.

Фармон фуқароларни маҳалла фаолияти билан яқин ҳамкорлик қилишга ундайди. Ўшбу ҳужжат асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига бериладиган “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонини таъсис этиладиган бўлди.

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, Тошкент – мамлакатимизнинг энг йирик шаҳри. Пойтахтимизда маҳалла ҳам кўп. Бундан ташқари, шаҳримиздаги маҳаллачилик анъаналари амалда бутун мамлакатимиз учун намуна вазифасини ўташи керак. Маҳалла борасидаги ҳар қандай янгилик аввал пойтахтимизда юз кўрсатади. Шунинг учун ўшбу Фармон шаҳримиз маҳаллалари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида алоҳида аҳамият касб этади.

Тўғриси айтганда, жиноятчи ҳам, ёт гоёлар таъсирига тушиб, адашган кимсалар ҳам, бебошлик йўлида юрган ёшлар ҳам – ҳамма-ҳаммаси маҳаллада яшайди. Ҳар бир кишининг ҳар қандай қинғир қадамини аввал маҳалла сезади. Оилавий жанжаллардан ҳам ҳаммадан бурун маҳалла аҳли – қўни-қўшни хабар топади. Шундай экан, маҳалланинг жамиятимизда рўй бериши мумкин бўлган кўндан-кўп салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қодир бир куч эканини эсдан чиқармайлик.

Оила – жамият таянчи, давлат пойдевори. Оилаимиз ҳаётини да юз бераётган ҳар бир салбий воқеага маҳалла, жамоатчилик ўз муносабатини билдириши керак. **Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари аралашуви билан ҳаётини изга тушиб кетган оилалар оз эмас. Ҳаттоки, аҳил, оғоҳлиги юқори, одамларида дахлдорлик ҳисси кучли бўлган маҳаллаларда ўғриллик ва бошқа жиноятлар ҳам деярли содир бўлмаётганини таъкидлаш лозим.**

Муқаддам судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишда айнан маҳалла оқсоқоллари эътиборли бўлишлари лозим. Ўзимизга савол берайлик, қачон уларни бирор марта йиғиб: “Ахволингиз қандай? Нима муаммоларингиз бор?” – деб сўрадик? Уларни тарбиялаш борасида назоратни олиб бориш ва муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш мумкин-ку.

Ҳаётда адашган, диний оқимга кириб қолган баъзи шахсларга ҳам муҳим эътибор қаратиш, керак бўлганда, ҳамсуҳбат бўлиб, дардини, муаммосини ўрганиш, ёрдам қўлини чўзиш ҳам маҳалла зиммасидаги вазифалар сирасига кирди. Маҳалланинг ишсизликни бартараф этиш учун масъул ва фуқаролар йиғинларига бу борада қанча имкониятлар берилганлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.


Айрим маҳаллаларимизда паспорт-виза режимини бузганлар, доимий пропискисиз фуқароларнинг ҳам мавжудлиги аниқ. Улар нима иш қиляпти, қандай яшаяпти, дарди нима, фикри қандай – булар билан баъзан ҳеч ким қизиқмайди.

Мактаб ҳам, коллеж ёки лицей ҳам айнан маҳалла ҳудудида жойлашган. Ўқувчиларнинг дарсга қатнашиши масалалари, кўча-кўйда ўзини тутиши, дарсдан кейин нима ишлар билан шугулланаётгани ҳам бугун маҳаллани қизиқтириши керак.

Хуллас, биз учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра ҳам кенгроқ маънони билдиради. Ўнг муҳими, халқимиз қўлида барқарорликни таъминлашнинг оила ва маҳалла каби ишончли анъанавий воситалари бор.

Гап шундай имкониятлардан эзгу мақсад йўлида фойдаланиш, яъни ҳаётимизни янада фаровон қилиш, тинчликни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида аҳиллик руҳини кучайтириш, жамиятда ўзаро ҳамкорлик, меҳр-мурувват, иззат-ҳурмат муҳитини яратишда қолган.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу Фармони ҳаммамизни янада фаолликка ундайди. Олим МАҲМУДОВ



ИБРАТЛИ ҲИКМАТЛАР

Маҳалла – эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одатлар ва анъаналар шаклланган маскан.

* * *

Ватан – маҳалладан бошланади.

* * *

Маҳаллада одамлар фақат қўшничилик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоида, маънавий-ахлоқий меъёрлар, урф-одатлар ва анъаналар билан боғланган.

* * *

Кексаларни ҳурмат қил.

Байт:

**Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла,
Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.**

Кексага кўмак бер – суянган тоғинг,

Буни тушунарсан қариган чоғинг.

* * *

Маҳаллага эътибор – жамиятимиз тараққиётига эътибор.

* * *

Эзгулик бўлган жойда албатта маънавият бўлади, эзгулик бўлган жойда тинчлик-тотувлик, бахту саодат бўлади.

* * *

Ота-онага муҳаббат – барча яхши фазилатларнинг асоси.

Байт:

**Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.**

* * *

Маҳалла – маънавият ўчоғи.

* * *

**Умр бешигим, ўзинг, сенсан менинг маҳаллам,
Барчага имкон ўзинг, сенсан менинг маҳаллам.**

**Ҳам макону ҳам имкон, сенсан менинг маҳаллам,
Ўргилайин сендан мен, жонга дармон маҳаллам.**

* * *

Маҳалла – жамият таянчи.

* * *

Инсон оилада дунёга келади, маҳаллада вояга етади, таълим муассасасида тарбияланади ва жамиятга наф келтирадиган шахс сифатида намоён бўлади.

* * *

Маҳалла – соғлом авлод тарбиячиси.

* * *

Маҳалла – миллий қадриятлар маскани, ноёб тузилма.

* * *

Маҳалла – ҳаёт кўзгусидир.

* * *

Кексаларимиз хонадонларимиз кўрки, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларимиз, анъаналаримиз, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгаларидир.

* * *

Ҳаётни кузатиб, одамларнинг турмуши, тақдири, хатти-ҳаракати, феъл-атвориини кўриб ибрат олиш, хулоса чиқариш керак.

* * *

Ҳар бир инсон учун ҳалоллик – кўпчилик бахт-саодати учун яшаш, умум иши учун шахсий манфаатдан ҳам кечиш деган сўз.

